

Рамазоннинг 41 фазилати (тўққизинчи мақола)



17:50 / 01.05.2020 1328

21. Қиёмул-лайл ва таҳажжуд фазилати.

Қиёмул-лайл – кечани ибодат билан бедор ўтказишнинг фазилати жуда ҳам кўп. Аммо Рамазон кечаларида ибодат қилишнинг алоҳида фазилати бор. Шу боис, бунга ҳадисларда қайт-қайта тарғиб қилинган.

Барча Саҳиҳ тўпламларда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Рамазоннинг кечасини иймон билан, савоб умидида ибодат билан ўтказса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади»**, деганлар.

22. Ифторлик фазилати.

Ифторлик бир қараганда кечки таомланиш. Аммо шу оддий таомланиш рўзадор шахс учун буюк фазилатлар, хурсандчилик ва хайру-барака омилига айлантирилган. Ҳатто барча пайғамбарлар ифторлик қилишга буюрилганлар.

Имом Табароний Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биз - пайғамбарлар жамоаси**

ифторни эрта қилишга ва саҳарликни кечга суришга буюрилганмиз», деганлар.

Имом Бухорий Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда жумладан шундай дейилади: Рўзадорга икки хурсандлик бордир. Улар ила суюнгай. Ифтор қилганда суюнгай ва қачон Роббисига йўлиққанда, рўзаси ила суюнгай», деган».

Имом Бухорий Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар модомики ифторга шошилар эканлар, яхшиликда бўлиб бораверадилар»,** дедилар».

Имом Табароний Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар ифторлик вақтида Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинадиганлари бўлади»,** деганлар.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид